

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАБИЛОВА ГУЛШАН АБДИРАШИДОВНА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА
ИПАК-ТЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН МЕХНАТ
ШАРОИТИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА
ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

14.00.07 – Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ФАРҒОНА – 2022

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Кабилова Гулшан Абдирашидовна

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида

ипак-тўқув ишлабчиқарувчилар учун меҳнат

шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактика

тадбирларини ишлаб чиқиш..... 5

Кабилова Гулшан Абдирашидовна

Гигиеническая оценка условий труда и разработка

профилактических мероприятий работников шелкомотального

производства в условиях модернизации производства..... 20

KabilovaGulshanAbdirashidovna

Hygienic assessment of working conditionsand development

of preventive measuresfor workers of silk motor production

in theconditions of production modernization..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 41

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАБИЛОВА ГУЛШАН АБДИРАШИДОВНА

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА
ИПАК-ТЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН МЕҲНАТ
ШАРОИТИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА
ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ФАРҒОНА – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib 880 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Адиллов Уткир Халилович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Хаширбаева Динара Маҳкамбаевна
тиббиёт фанлари доктори
Самигова Наргиз Раимовна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази

Диссертация химояси Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.09.2020.Tib.122.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» *сентябрь* соат *14⁰⁰* даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 150102, Фарғона ш., Янги Турон кўчаси, 2а-уй. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти).

Диссертация билан Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ *3* рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150102, Фарғона ш., Янги Турон кўчаси, 2а-уй. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти. Тел./факс: (99873) 243-06-62).

Диссертация автореферати 2022 йил «*12*» *сентябрь* кунини тарқатилди.
(2022 йил «*12*» *сентябрь* даги *1* рақамли реестр баённомаси).



Ф.И. Саломова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ш.А. Норматова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Н.Ж. Эрматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё бўйича меҳнатга яроқли аҳолининг саломатлик ҳолатини муҳофаза қилиш ва иш шароитидаги ўлим даражасини пасайтириш нафақат ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда, балки стратегик муҳим масалалар тоифасига ҳам тегишлидир. Маҳаллий ва хорижий олимлар маълумотларини таҳлили шуни кўрсатадики «...ишлаб чиқариш корхоналари техноген омиллари, турли бахтсиз ходисалар, жараёнлар, атроф-муҳит учун хавф туғдириши мумкин бўлган юқори хатарлар ва ишлаб чиқариш хавфининг объектлари ҳисобланади...»¹. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда меҳнат жараёнидаги хавфли вазиятлардан бутунлай қутулиш деярли мумкин эмас, чунки, мамлакат бошқарувининг янги шаклларига ўтиш шароитида замонавий ижтимоий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари меҳнатга яроқли аҳолининг барча мотивациясини ўзгартиради. Шу муносабат билан, саноати ривожланган бўлган мамлакатларда умр кўриш давомийлигини баҳолаш, узоқ умр кўриш ва ишчиларнинг саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш масалалари профилактик тиббиёт соҳасининг хал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида ипак-тўқув ишлаб чиқарувчилар учун меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий–тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ишлаб чиқаришни модернизация қилишдан олдин ва кейин ипак тўқувчи ишчиларнинг меҳнат шароитлари, турли омилларининг ишчилар саломатлигига умумий таъсирини комплекс гигиеник баҳолаш ва руҳсат этилган хизмат муддатини ишлаб чиқаришни модернизациялашдан олдин ва кейинги шароитда ипак тўқиш, ишлаб чиқаришда ишчилар орасида касалланиш таркиби, касаллик даражаси, динамикаси ҳамда меҳнат шароитлари, касалланиш кўрсаткичлари бўйича касбий хавфларни баҳолаш, ипак тўқув корхоналари ишчиларининг меҳнат шароитларини оптималлаштириш, соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича гигиеник тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, даврий равишда турли иш шароити билан шуғулланадиган контингентларнинг саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш, касбий касалликларни олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом

¹Бурлаков В.С. “Некоторые теоретические экспериментальные исследования с целью повышения эффективности процесса расфасовки промышленной гребни тутового шелкопряда” // Сборник Научных трудов, вып.12.Ч.1., Харьков 2004. С 262-266

турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида ипак-тўқув ишлаб чиқарувчилар учун меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонлари, 2018 йил 12 январдаги ПҚ 3472–сон «Республикада ипакчиликни янада ривожлантириш чора -тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фанватехнологиялариривожланишинингустуворйўналишларигамослиги. Мазкуртадқиқот республика фанватехнологияларривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устуворйўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.Ипакни қайта ишлаш саноати корхоналарида меҳнат шароитлари бир қатор зарарли ишлаб чиқиш ва санитария омилларининг шаклланиши билан бирга кечади. Адабиётларда ипак тўқув ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароитининг хусусиятларига бағишланган мақолалар етарли даражада мавжуд. (Mulin Lara, 1992; Shen Ting Yui, 2002; Mikihiro Miura, 2004)ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ипак тўқув ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароитининг ўзига хос хусусиятларига ноқулай ишлаб чиқариш омиллари мажмуаси: ишчи ҳудудлар ҳавосидаги чанг ва иситиш микроклими мавжудлиги, шовқин, ноқулай иқлим, меҳнат жараёнининг зўриқтирувчанлик хусусияти киритилади. Бу касб омилларининг ишловчилар организмига иш шароитларини модернизациягача ва ишлаб чиқаришни модернизациядан кейинги давридаги ҳолати ёритилмаганлиги аниқланди.Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида замонавий модернизациялашган ипак тўқув ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчи ишчилар меҳнати гигиенасини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар меҳнат шароити ва тартибини оптималлаштириш бўйича илмий-асосланган меъёрий- услубий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслигини тақоза қилади. Аҳолининг асосий қисми пилла етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган мамлакатларда олимлар касбий шароитларини ўрганиш ва

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

касбий патология ривожланишининг дастлабки шакллари баҳолаш муаммолари билан шуғулланадилар (Головко В.А., Кириченко И.А 1993; Бурлаков В.С.,2004;) Касбий ва касбий шартли касалликларни башорат қилишда меҳнат шароитларининг ноқулай омиллари таъсири бўйича бир қатор ишлар олиб борилган. Аммо бу ишлар ипак тўқув ишлаб чиқаришида иш жараёнлари модернизация қилинишидан олдин амалга оширилган. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш даврида ишлаб чиқариш омилларининг ипак тўқиш саноатида касалланиш ҳолатига таъсири масалалари ўрганилмаган.

Ўзбекистонда ипакчилик саноатида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мавжуд саноат тармоқларини яратиш, модернизация қилиш, тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтиришга қаратилган жаҳон бозорида талабга эга ва рақобатбардош бўлган кенг кўламли таркибий ўзгаришлар амалга оширилган(Т.И Искандаров., Н.В.Славинская., 2004; М.А. Ҳамроқулова ва ҳаммуал., 2016), бироқ, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида ипак-тўқув ишлаб чиқарувчилар учун меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқилмаган.

Бугунги кунда турли ипак тўқув корхоналаридаги иш шароити ва уни модернизация қилиш, ишчиларнинг иш шароитини гигиеник баҳолаш, ишчиларга таъсир қиладиган хавф омилларини бартараф этиш билан биргаликда уларнинг касалланиш ҳолатини баҳолаш ва унга олиб келувчи омилларни баратараф этиш бугунги кундаги долзаб муаммолардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 02.2019.PhD.044-сонли «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ипак ўраш ишлаб чиқарувчиларининг модернизация шароитида меҳнат шароитлари ва касалланишини гигиеник баҳолаш ва профилактик тадбирларни ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишлаб чиқаришни модернизация қилишдан олдин ва кейин ипак тўқиш ишлаб чиқарувчи ишчиларнинг меҳнат шароитларини гигиеник баҳолаш;

меҳнат шароитлари омилларининг ишчилар саломатлигига умумий таъсирини ва рухсат этилган хизмат муддатини баҳолаш;

ишлаб чиқаришни модернизациялашдан олдин ва кейинги шароитда ипак тўқиш ишлаб чиқаришда ишчилар ўртасида касалланиш структураси, касаллик даражаси ва динамикасини баҳолаш;

меҳнат шароитлари ва касалланиш кўрсаткичлари бўйича касбий хавфининг даражасини баҳолаш;

ипак ўраш ишчиларининг меҳнат шароитларини оптималлаштириш ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар бериш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Вухара Brilliant Silk ипак тўқув ишлаб чиқариш корхонасининг 2018 - 2021 йиллардаги иш шароити ҳамда 198 нафар ишчиларнинг саломатлик ҳолати кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида ипак-тўқув ишлаб чиқарувчилар учун меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган микроиклим кўрсаткичлари, ёруғлик, шовқин параметрлари, тиббий кўрик маълумотлари, вақтинчалик ишга яроқсизлик варақаларининг таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда санитар-гигиеник, тиббий-ижтимоий ва статистиктадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий шароитда ипак ўраш корхоналарида иш жойларида иш шароитлари саноат микроиклими, шовқин, ёруғлик, чанг ва газ билан ифлосланиши, биологик омил таъсирининг корреляцион боғлиқлиги асосланган;

ипак ўраш корхонаси ишчиларининг модернизация қилинишидан олдин ва кейин иш шароитлари ва касалланишларига таъсир кўрсатадиган саноат микроиклим таъсир механизмининг гигиеник параметрлари исботланган;

ипак ўраш корхоналаридаги ноқулай микроиклим шароитларини аёлларда касбий касалликларнинг ривожланиши, касбий таҳлика даражаси меҳнат шароитининг 3-синф 3-даражасига мансублиги исботланган;

меҳнат шароитлари билан боғлиқ касбий хавфларни баҳолаш учун нисбий хавф ва ўткир касалликларнинг этиологик улуши, ипак ўраш корхоналари ишчиларининг меҳнат шароитларини оптималлаштириш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш бўйича профилактик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ипак ўраш корхоналарида меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш учун илмий асосланган профилактик тавсиялар ишлаб чиқилган;

ипак тўқиш ишлаб чиқаришда ишлайдиган ишчиларнинг рухсат этилган хизмат муддати ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалликлари ўрни ва аҳамияти баҳоланган;

иш шароитлари билан боғлиқ ишчиларнинг касалланишини бошқариш учун компьютер дастури ишлаб чиқилган;

олинган маълумотлар минтақада ипак ўраш корхоналарини лойиҳалаштириш, қуришни режалаштириш учун ипак ўраш мосламаларини олдиндан ўрганиш учун иқтисодий томондан маблағ тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан

тўғрилиги, етарли даражада материал ва ишчилар сонининг танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, санитар-гигиеник, тиббий-ижтимоий ва статистиктадқиқот усуллар асосида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида ипак-тўқув ишлаб чиқарувчилар учун меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқишнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ипак тўқув ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида касбий хавфлар даражаси ва иш муҳитининг ноқулай омилларининг умумий таъсири ўртасидаги сабабий боғлиқлик ўрнатилганлиги ва ишчиларнинг иш шароитини гигиеник меъёрий кўрсаткичларнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида ипак-тўқув ишлаб чиқарувчилар учун меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган услубий қўлланмалар асосида иш шароитларини яхшилаш, гигиеник омилларнинг салбий таъсирини камайтириш орқали тавсия этилган гигиеник ва санитар-техник чоралари ишчиларнинг саломатлик ҳолатини тиклаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида ипак-тўқув ишлаб чиқарувчилар учун меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ипак ўраш ишлаб чиқаришда ишчилар саломатлигини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 июлдаги 8н-д/256-сон маълумотномаси). Натижада ипак ўраш ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларнинг саломатлик ҳолатини тиклаш, касалланишларнинг ва касбий касалликлар орқали юзага келадиган ишчилар орасидаги ногиронлик ҳолатини олдини олишга қаратилган гигиеник тавсиялар ишлаш чиқиш имконини берган;

«Ипак тўқиш ишлаб чиқаришда ишчилар саломатлигини муҳофаза қилиш усулини такомиллаштириш методикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 июлдаги 8н-д/256-сон маълумотномаси). Натижада ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларининг саломатлик ҳолатини издан чиқаришга қаратилган омилларни камайтириш, иш шароитини яхшилаш орқали касалликларнинг олдини олишга қаратилган гигиеник тавсиялар ишлаш чиқиш имконини берган;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида ипак-тўқув ишлаб чиқарувчилар учун меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти санитария эпидемиология

осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати, Бухоро шаҳар ҳудудий санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 октябрдаги 08-09/14687–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ипак йиғирув корхоналари ишчилар орасида саломатлик ҳолатини издан чиқишини олдини олиш, касалланиш хавфини ўз вақтида башорат қилиш, профилактика чораларини танлаш, иш шароитларни модернизация самарадорлигини ошириш билан биргаликда, иш жойида касалланиш кунларини қисқартириш ҳамда ишчиларнинг соғлиғини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ипак ўраш ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва санитар-гигиеник мониторинг самарадорлигини илмий асослашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабий манбалар таҳлилининг батафсил тасвири берилган. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Ипак ўраш корхоналарида ишчиларнинг иш жойлари, уларга микроклим, ёруғлик, шовқин каби атроф-муҳит омилларининг таъсири ҳақидаги сўнгги йиллардаги илмий манбаларда эълон қилинган маълумотларни акс эттирувчи адабиётлар шарҳи тақдим этилган. Атроф-муҳит омиллари, жумладан

инсоннинг алоҳида аъзо ва тизимларига таъсири тўғрисидаги адабиётлар таҳлили берилган.

Диссертациянинг «**Ипак ўраш ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва санитар-гигиеник мониторинг самарадорлигини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ушбу илмий иш 3 босқичда амалга оширилди.

1-босқич. Ушбу диссертация тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот объекти ва ҳажми далилларга асосланган тиббиётнинг барча тамойилларига риоя қилган ҳолда танланган. Муаммони тан олиш ва гипотезани тасдиқлаш учун тавсифловчи ёзма усул танланди. Ушбу усул саломатлик муаммоларини аниқлаш, вақт ўтиши билан маълумотларнинг ўзгаришини кузатиш ва касалликларнинг этиологиясини излаш учун ишлатилади. Ушбу ёзма усул касаллик ҳақида гипотезани шакллантиришга ёрдам беради. Тақдим этилган ишда фарқлаш усули гипотезаси қўлланилди, чунки битта корхона ходимлари ўртасида касалликларнинг тарқалиши уларнинг бандлик даражаси, доимийлиги ва жисмоний меҳнатнинг частотасига қараб ҳар хил бўлади.

Тадқиқот ишида вакиллик ҳам ҳисобга олинди, яъни бемор ишчиларнинг намунаси хусусиятларининг популяциянинг умумий хусусиятларига мувофиқлиги. Ушбу йўналиш бутун таҳлил қилинадиган умумий ўрганиш популяциясидан маълум бир намунани ҳисобга олган ҳолда олинган маълумотларни умумлаштириш имкониятини белгилайди.

2-босқич. Далилларга исботланган тиббиётнинг юқоридаги тушунчаларидан келиб чиқиб, 2019 йилда ипак-тўқув ишлаб чиқариш корхонаси иш жойларининг ёритилиши, шовқин, ҳарорат, намлик, чанг ва газ билан ифлосланишини аниқлаш ва баҳолаш бўйича санитария-гигиена лаборатория ишлари олиб борилди.

3-босқич. Ушбу боқичда барча олинган материаллар пухта таҳлил қилинди, тизимлаштирилди ва статистик таҳлилга тайёрланди. Кейин маълумотлар ўзгарувчанлик статистикаси усулларида фойдаланган ҳолда статистик ишлов беришдан ўтказилди. Шу билан бирга, натижалар ишончлилиги, улар асосида асосли хулосалар ва амалий тавсиялар олишга эътибор қаратилди. Барча натижалар диссертация иши раҳбари иштирокида муаллиф томонидан шахсан бажарилган.

Тадқиқотнинг барча боқичларини бажариш жараёнида тадқиқотни ўтказишда халақит берадиган шароитлар, тадқиқотнинг ишончлилиги ва тозалигига таъсир қилувчи омиллар мавжуд бўлмади. Барча тадқиқотлар ушбу диссертация ишини амалга ошириш учун олдиндан тасдиқланган иш режасига мувофиқ амалга оширилди. Тадқиқот 2017-2020 йиллар маълумотлари асосида Бухоро ипак-тўқув ишлаб чиқариш корхонасида амалга оширилди.

Ипак-тўқув ишлаб чиқариш корхонаси цехларида ишчи жойдаги ҳарорат, намлик, ёруғлик, газ билан ифлосланиш, чанг ва шовқин каби омиллар аниқланди. Ҳар бир омил бўйича 126 та ўлчов ва жами 1296 та тадқиқот ўтказилди. Ўлчовлар иш вақтидан олдин, иш вақтида ва ишдан

кейинги вақтларда саралаш, пиллани ўраш, пиллани қайта ўраш, пиллани ювиш, бўяш ва пиллани қайта ишлаш цехларида ўтказилди.

Диссертациянинг «**Ипак ўраш ишлаб чиқаришдаги иш жойларининг санитария-гигиеник кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида олинган тадқиқот натижаларига бағишланган. Тадқиқот СанҚваМ 0324-16 «Саноат бинолари микроиқлимнинг санитария-гигиеник стандартлари» асосида иш жойларининг ҳаво ҳарорати иссиқ мавсумда дастгоҳнинг тепасида, дастгоҳга 1 м яқинроқ ва ундан 10 м масофада ўлчанган. Ўлчов натижаларига кўра, қуйидаги маълумотлар олинган: саралаш цехида ишдан олдин, иш пайтида ва ишдан кейин ишлаб чиқариш биноларидаги ҳарорат 22,5 дан 24,5°С гачани ташкил қилди, чунки СанҚваМ 0324-16 га биноан бу хоналарнинг оптимал ҳарорати 22-24°С гача рухсат этилади ва доимий иш жойларида юқори чегара 29°С то гача рухсат этилади. Қайта ўраш цехида бу кўрсаткичлар 24,2 дан 25,7 °С гача бўлган. Пилла ўраш цехида хона ҳарорати 22,7 дан 25,5 °С гача бўлган. Пилла ювиш цехида, бўяш цехида ва қайта ишлаш цехларида доимий иш жойларида хона ҳарорати 31 дан 37°С гача. Иш жойлари ҳароратининг энг катта кўтарилиши пиллани ювиш цехида 36 дан 37°С гача кузатилган. СанҚваМ 0324-16 «Саноат бинолари микроиқлимнинг санитария-гигиеник стандартлари» асосида иссиқ мавсумда иш жойларида ҳавонинг нисбий намлигини ўлчаш дастгоҳ устида, дастгоҳга 1 м яқинроқ ва 10 м узок масофада ўлчанган. Ўлчов натижаларига кўра, қуйидаги маълумотлар олинган: СанҚваМ 0324-га асосан, бу хоналарнинг оптимал намлиги, ишдан олдин, иш пайтида ва ишдан кейин саралаш цехида 51 дан 54,5% гача, рухсат берилган 40-60% гача, доимий иш жойларида эса юқори чегарага 45% гача рухсат берилади. Қайта ўраш цехида бу кўрсаткич 51,7 дан 53,7% гача бўлган. Пилла ўраш цехида хонанинг намлиги 55,7 дан 65,2% гача, энг юқори намлик машинада ишлаш пайтида кузатилган (65,2%), бўяш ва қайта ишлаш цехларида доимий иш жойларида намлик 70 дан 73% гача, бу ишнинг барча даврида ҳаво намлигининг ошиши баҳоланган.

Қолган кўрсаткичлар бўйича, СанҚваМдаги чанг, газ билан ифлосланиши, шовқин ва иш жойларининг ёритилиши каби катталиклар рухсат этилган меъёрлардан ошмаган. Ипак ўраш ишлаб чиқаришда ишчилар ўртасида касалланиш кўрсаткичлари ҳам баҳоланди. Ходимларнинг касалланиш даражаси ходимлар соғлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Ишчиларнинг соғлигини янада яхшилаш учун қайси касалликлар ва бу саломатлик ҳолатига қанчалик зарар етказишини ва касалликлар тарқалиши ташқи ва ички муҳитнинг қайси омиллари билан боғлиқлигини таҳлил қилдик.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди. Ўртача квадратик оғиш кўрсаткичи ва репрезентативлик хатоси аниқланди. Таққосланаётган кўрсаткичлар фарқи ҳаққонийлиги Стьюдент-т-мезон ёрдамида аниқланди. Фарқлар $p \leq 0,05$ орқали статистик ҳисобланди

Касаллик кўрсаткичлари ўлим кўрсаткичларига нисбатан кўпроқ жисмоний ривожланиш, ташқи муҳит ўзгаришига, мавсумий-иқлим шароитига, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятига боғлиқ бўлади. Касаллик кўрсаткичлари ҳам асосий кўрсаткич ҳисобланади ва ҳар хил турдаги даволаш-профилактик, соғломлаштириш тадбирлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларига бўлган эҳтиёжни аниқлашда ишчиларнинг касалланиш даражаси ҳар куни ўрганилади. Ҳозирги вақтда оператив ташкилий чора - тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган саноат корхоналари ишчиларининг касалликлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш тизимлари яратилган ва ишламоқда. Шу мақсадда ишчиларнинг умумий касалланишининг махсус қайдномаси ўтказилади. Ишчиларнинг касалланишини қайд этиш ва таҳлил қилиш усуллари соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгарувчан муаммоларга мувофиқ доимий равишда ривожланиб ва ўзгариб туради. Саноат корхоналарида ишчиларнинг умумий касалланишини ўрганиш учун 4 та маълумот манбасидан фойдаланилади: тиббий маълумотномалардаги тиббий ёзувлар асосида тиббий ёрдамга муурожаат қилаётган ишчилар бўйича; ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш; ўлим сабабларини таҳлил қилиш; ўтмишдаги касалликлар ҳақида ходимлардан интервью олиш.

Тадқиқотда даврий тиббий кўрик маълумотлари, охириги 4 йил давомида касаллик варақасидан нусха кўчириш усули бўйича ишчиларнинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотлар (2017-2020) мавжуд.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини бажариш учун турли ёшдаги 198 нафар ишчи илмий изланишларга жалб қилинган. Ёппасигакузатиш усули орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида» ги 200 -сонли буйруғи 4.8 банди асосида даврий тиббий кўрикдан ўтиш йўли билан ишчилар саломатлиги ҳолати аниқланган. Бу бандга асосланиб, ушбу ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари 2 йилда бир марта даврий тиббий кўрикдан ўтиши керак эди. Режага кўра, 200 нафар ходимдан 198 нафари, яъни 99%, тиббий кўрикдан ўтказилди, шундан 150 нафари аёллар, тиббий кўрикдан ўтган аёллар 148 нафар, бу 98,6%ни ташкил этади. 200 -сонли буйруқ асосида даврий тиббий кўрикдан ўтадиганлар тўртта мутахассис-терапевт, офтальмолог, дерматовенеролог ва оториноларинголог кўригидан ўтказилди. Шунингдек, бу ишчилар рентген текширувидан ўтиши, гематологик тадқиқотлар учун қон таҳлили амалга оширилди. Юқоридагиларга асосланиб, инновацион ишланма сифатида ушбу корхона ишчиларининг ички аъзоларини ультратовуш текширувидан ўтиши ҳам қўлланилган. Бухоро тиббиёт институтининг юқорида санаб ўтилган тор мутахассислари даврий тиббий кўрикда институт ва ипак тўқув ишлаб чиқариш корхонаси ўртасида тузилган шартнома асосида иштирок этишган. Текширилган 198 нафар ишчидан касбий интоксикация ёки касб касаллигига шубҳа қилинган шахслар аниқланмаган. Тиббий кўрик натижаларига кўра, ипак тўқиш ишлаб чиқаришининг барча ишчилари 3 та саломатлик гуруҳига бўлинган: 1 -гуруҳ – соғлом: ишчилар соғлиғидан шикоят қилмайдилар,

сурункали касалликлар аниқланмаган, аъзо ва тизимлар функциялари текширилганда меъёрни ташкил қилган. Текширувда улар 54 нафар ходим бўлиб, бу 27,27% ни ташкил қилган; 2 -гуруҳ - амалий соғлом: бу гуруҳдаги ишчилар текширилганда ўткир ва сурункали касалликлар аниқланмаган, лекин аъзо ва тизимларда ўзгаришлар бўлган. Буишчиларгуруҳиузоқвактишлаганлардир. Улар 129 нафар ходимни - 65,15%ни ташкилқилган; 3 -гуруҳ - касалликларнинг дастлабки босқичи аниқланган ёки сурункали касалликларга чалинган ходимлар – 15 нафар ишчи -7,5% ни ташкил этган.

Рентген текширувларига кўра, 7 ҳолатда сурункали бронхит аниқланган (3,5%). Терапевтик текширувда 9 нафар ишчида аралаш нейроциркуляцион дистония аниқланган (4,5%), 13 нафар ишчида 1 -даражали гипертензия (6,5%), 5 нафар ишчида 2 -даражали гипертензия (2,5%) учраган. Офтальмолог текшируви қуйидаги маълумотларни тақдим этди: 2 нафар ишчида сурункали дакриоцистит (1,0%), 6 нафар ишчида аллергик конъюнктивит (3%), 5 нафар ишчида кўзда синиш хатолари (3%), 1 нафар ишчида миопия (0,5%), 2 нафар ишчида аккомодация спазмлари (1%) учраган. 1 нафар ишчида себореяли дерматит (0,5%), 1 нафар ишчида псориаз касаллиги (0,6%) аниқланган.

Оториноларинголог текширувига кўра, қуйидаги маълумотлар олинган: 6 нафар ишчида ўткир ларингит (3%), фронтал синусит 1нафар ишчида (0, 6%), 2 нафар ишчида бурун септумининг эгрилиги (1%) аниқланган. Даврий тиббий кўриқдан сўнг, 2012 йил 10 июлдаги 200 -сонли буйруқ асосида 8 -иловадан далолатнома тўлдирилган.

Шунингдек, ишчиларнинг соғлиғи охириги 4 йил (2017-2020) учун касаллик варақасидан олинган маълумотномалардан нусха кўчириш йўли билан ўрганилган,ишчиларнинг вақтинчалик ишга яроқсизлик билан касалланишнинг таҳлили 10-чи Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 (1993) асосида амалга оширилган. Вақтинчалик ишга яроқсизлик билан умумий касалланиш Бухородаги «Buxoro Brilliant Silk» ипак тўқиш фабрикасидаўрганилган. Касбий тажрибаси 1 йилдан 20 йилгача бўлган 19 ёшдан 54 ёшгача бўлган ходимлар учун 145 та касаллик варақалари тўғрисидаги бирламчи ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Вақтинчалик ишга яроқсизлик ҳолати билан касалланиш даражаси бўйича биринчи ўринда юқори нафас йўлларикасалликлари аниқланган. Иккинчи ўринда қон айланиш тизими касалликлари (гипертоник типдаги нейроциркулятор дистония, асосий гипертензия ва ишемик юрак касаллиги) турган. Учинчи ўринда турли этиологияли шикастланишлар турган. Лумбосакрал радикулит ва остеохондроз тўртинчи ўринда қайд этилган.

Вақтинчалик ишга лаёқатсизлик ҳолати билан касалланиш даражаси бўйича биринчи навбатда нафас олиш тизими касалликлари аниқланган. Иккинчи ўринда қон айланиш тизими касалликлари (гипертоник нейроциркулятор дистония, асосий гипертензия ва коронар артерия касаллиги) турган. Учинчи ўринда турли этиологияли шикастланишлар турган. Лумбосакрал радикулит ва остеохондроз тўртинчи ўринда қайд

этилган. Шахсий тадқиқотлар пиллани буғлаш ва очишда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, қайта ишланган хом ашёнинг хусусиятлари туфайли ипак тўқиш саноати бир қатор касбий хавфларга эга эканлигини аниқлаш имконини берган. Маҳаллий бирламчи тиббий -санитария муассасалари - оилавий поликлиникалар ва шифохоналар томонидан берилган 145 дан ортиқ касаллик варақалари ўрганилганда қуйидагилар аниқланган: Бу хавф-хатарлардан энг кўп зарар кўрадиганлар - шамоллаш ва қўл терисининг яллиғланиш жараёнлари, юрак -қон томир касалликлари, турли этиологияли шикастланишлар ва бошқа яллиғланиш касалликлари билан оғриган пилла калаваловчилар, ипак ўровчи ва ипак буғловчилардир. Ипак ўраш ишчиларининг юқори нафас йўллариининг яллиғланиши тез-тез учраб туриши корхонанинг ўзига ҳам, умуман ишчилар соғлиғига ҳам катта иқтисодий зарар келтиради. Мисол учун, қуйидаги ҳисоб-китоблар тақдим этилган (2020 йил): ипак тўқиш корхонасида битта ишчи ўртача етти соатлик иш кунига 58 минг сўм даромад олади. Пилла ўровчи касал бўлса, ўртача 5-6 кун давомида корхона ўртача 348 минг сўм зарар кўради. Агар касаллик таътили учун тўловни ҳисобга олсак, унда касаллик туфайли келиб чиқадиган харажатлар миқдори янада ошади. Юқори нафас йўлларида яллиғланиш жараёнларининг этиологияси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаслик, унга қарши оқилона профилактика чораларини ишлаб чиқишда жиддий тўсиқлардан биридир.

1-жадвал

2017-2020 йиллар мобайнида «Vuxoro Brilliant Silk» ипак тўқиш ишлаб чиқаришининг асосий касблари ишчиларининг касалланиш кўрсаткичлари (ҳар 100 ишчига) %

Касблар	Йиллар			
	2017	2018	2019	2020
	Модернизациягача		Модернизациядансўнг	
Ипаккалаваловчи	33,2	39,1	35,2	33,0
Пиллабуғловчилар	6,6	4,3	19,6	6,0
Ипакўровчи	20,0	34,7	17,6	24,2
Тикувчилар	13,3	-	-	-
Лаборантлар	6,6	2,1	2,1	-
Тикувчилар	-	8,6	3,9	-
Бошқалар	20,0	10,8	21,5	48,4

Шамоллаш касалликларининг пайдо бўлишида метеорологик омилнинг энгил даражадаги ўрни айниқса катта. Юқори нафас йўллариининг гриппи ва ўткир катарининг ривожланиши кўп ҳолларда ташқи ҳароратнинг кескин ўзгариши ва гипотермия билан боғлиқ бўлиб, бу касалликлар биринчи навбатда беқарор, чидамсиз терморегуляция аппарати бўлган одамларда учрайди. Шу билан бирга, шамоллашнинг бошланиш механизми тўлиқ

ўрганилмаган. Кўпчилик муаллифлар бу борада томирлар оҳангининг ўзгариши ва турли аъзо ва тизимларнинг тартибсиз қон билан тўлдирилишига катта аҳамият беришади.

Бир қатор тадқиқотчилар шамоллашнинг таъсирини аллергия реакцияларнинг намоён бўлиши нуқтаи назаридан кўриб чиқадилар, бунда кўпинча терморегуляция бузилади. Саноат корхоналари ишчиларида юқори нафас йўллариининг яллиғланиши пайдо бўлишида асосий ўрин касбий ва ишлаб чиқариш омиллари, биринчи навбатда ноқулай метеорологик шароитлар, терининг маҳаллий ва умумий гипотермияси билан боғлиқ. Тери ҳароратининг пасайиши, вазоконстрикция, нафақат нафас йўллари ва бодомсимон безларнинг шиллиқ пардалари, балки нафас йўллариининг чуқур қисмлари қон билан таъминланишининг бузилиши билан ҳам боғлиқ. Вақти-вақти билан ўтказиладиган даврий тиббий кўрик материаллари шуни кўрсатадики, иш тажрибаси бир йилдан 10 йилгача бўлган аёл ишчилар орасида юрак уриш тезлигининг сезиларли пасайиши, шунингдек, систолик ва диастолик босимнинг ошиши кузатилди.


2–жадвал

Иш стажи бўйича «Vuxoro Brilliant Silk»ипак тўқиш ишлаб чиқариш ишчиларининг касалланиш кўрсаткичлари (ҳар 100 ишчига, абс)

Иш стажи	2017	2018	2019	2020	Умумий
1 йилгача	5	16	3	3	27
2-5 йил	5	8	22	11	46
6-10 йил	1	10	11	9	31
11-15 йил	-	4	10	1	15
16-20 йил	-	3	2	1	6
20 йилдан юқори	4	5	3	8	20
Жами:	15	46	51	33	145

Тадқиқотимиз материаллари асосида ўтган йилларда кадрлар алмашинуви аниқланган. Аммо ўтган йиллар билан таққослаганда, охириги 2020 йил мобайнида ишчилар ўртасида умумий касалланиш 1,5 баробар камайди, агар умумий касаллик 2019 йилда 51 та касаллик қайд этилган бўлса, 2020 йилда 33 та касаллик қайд этилган (1-расмга қаранг).

2020 йилда пила ўраш, тўқувчилик цехларида, шунингдек, лаборатория ишчилари орасида ва тикувчилик цехларида бирорта ҳам касаллик қайд этилмаган. Бу ижобий ўзгаришлар 2019 йилдан 2020 йилгача кўплаб цехларда ишлаб чиқариш модернизация қилингани, турли цехларда меҳнат шароитлари ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун 34 та янги дастгоҳ четдан олиб келингани билан изоҳланади.



1-расм. «Vuxoro Brilliant Silk» корхонасида 2017-2020 йиллар мобайнида ишчиларнинг касалланиш кўрсаткичлари

Бундан ташқари, кўплаб иш жойлари автоматлаштирилган. Ипак тўқув корхонасининг барча ишчилари «Ишчилар ва хизматчилар учун комбинезон, махсус пойабзал ва бошқа ҳимоя воситаларини текин тарқатишнинг стандарт меъёрлари»га мувофиқ кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Корхонада 100 ўринли замонавий жиҳозланган ошхона мавжуд бўлиб, у ерда ходимлар ўз вақтида соғлом ва витаминларга бой иссиқ овқат тановул қилишади.

3-жадвал

«Vuxoro Brilliant Silk» ипак тўқиш ишлаб чиқариш корхонаси ишчиларини 2017-2020 йиллар давомида даволаш турлари

Йиллар	Стационар даволаш		Амбулатор даволаниш	
	Абсолют	%	Абсолют	%
2017	4	26,6	11	73,3
2018	7	15,2	39	84,7
2019	6	11,7	45	88,2
2020	1	3,0	32	96,9
Жами	18	12,4	127	87,5

3-жадвалдан кўришиб турибдики, 2019 йилда навбатдаги тиббий кўрикдан сўнг, ишчиларнинг органлари ва тизимларидаги айрим патологиялар ҳисобга олинган ва ўз вақтида даволанишга юборилган. Жорий йил мобайнида ходимларнинг 88,2% дан ортиғи тиббий ходимларнинг тавсиялари асосида ўз вақтида амбулатор даволанган.

Диссертациянинг «Ипак корхонаси ишчилари касалланишининг гигиеник таҳлили ва меҳнат тажрибаси билан корреляцион боғлиқлиги» тўртинчи бобида турли касбий гуруҳлардаги ишчиларнинг касбий таҳликасини баҳолаш натижалари келтирилган.

Олинган маълумотларнинг корреляцион таҳлиллари ташхис қўйишда ҳам, олиб борилаётган профилактик ишларнинг самарадорлигини аниқлашда ҳам олинган натижаларни янада самарали талқин қилиш имконини берган. Шундан келиб чиқиб, ипак тўқиш корхонасида ишчиларнинг касалланиши ваиш давомийлиги каби энг муҳим кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Ҳисоблаш Спирман усули ёрдамида амалга оширилган.

4-жадвал

Иш стажи-Х	Касалланиш- У	Ранглар		D=X-Y	D ²
		Х	У		
1 йилгача	27	1	4	-3	9
2-5 й	46	2	6	-4	16
6-10 й	31	3	5	-2	4
11-15й	15	4	2	2	4
16-20 й	6	5	1	4	16
20 йилданкўп	20	6	3	3	9

$$r_0 = 1 - 6 * \Sigma d^2 / n * (n^2 - 2) = 1 - (348/210) = -0,65$$

$$m_{xy} = \sqrt{1 - r_{xy}^2} / n - 2 = 0,37$$

$$t = r_{xy} / m_{xy} = -1,7$$

Шундай қилиб, ишчиларнинг иш давомийлиги кўрсаткичлари ва ишчиларнинг ипак тўқув ишлаб чиқариши ўртасидаги корреляцион таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, корреляция коэффиценти 0,65 гатенг, лекин тескари боғлиқлик мавжуд бўлиб, меҳнат шароитларини яхшиланиши билан боғлиқ. Бу ишлаб чиқаришда 2019 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳисобига, чунки кўплаб цехларда жами 34 та замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ўрнатилган, санитария-гигиеник иш шароитлари яхшиланган, дам олиш ва овқатланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлигини кўрсатди.

ХУЛОСАЛАР

«Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш шароитида ипак- тўқув ишлаб чиқарувчилар учун меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш» номли диссертация тадқиқотлари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ипак ишлаб чиқариш корхоналаридаги асосий касбий гуруҳлардаги ишчиларнинг меҳнат шароити «зарарли» меҳнат шароитининг 3-чи (зарарли) синфга: ипак сараловчи, пилла ўровчи, пилла йигирувчиларники-касбий таҳликанинг ўртачадан юқори бўлган ҳолда зарарликнинг 3-чи даражасига; пилла толаларини ювувчи, бўёқчи, пардозловчи, бичувчи, дазмолловчи ва тикувчиларники- касбий таҳликанинг ўрта даражасига эга бўлган ҳолда зарарликнинг 2-чи даражасига мансуб.

2. Хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш мақсадида касбий хавфни камайтириш чораларидан бири ишчилар томонидан шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишдир. Иш жойларида шахсий ҳимоя воситалари, рухсат этилган максимал концентрацияси (МПС) ва рухсат этилган максимал даражалари (МПЛ) белгиланган меъёрлардан ошиб кетадиган ишлаб чиқариш омилларининг ишчиларга таъсирини олдини олиш ёки бошқа чоралар билан чеклаш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Шундай қилиб, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ишчи ва унинг ҳаёти ва соғлиғига мумкин бўлган хавф ўртасидаги охириги ва кўпинча ягона тўсиқдир.

3. Ишчиларнинг касалланиш даражаси иш жойининг ҳарорати ва намлигига тўғридан -тўғри мутаносибдир, агар ҳарорат ошиб кетганда ва табиий бўлмаган иссиқ даврда, инсон танаси сувсизланиш аломатларини сезмаса, одатдагидан 1,5 барабар кўпроқ сув истемол қилиш кераклигини кузатиб боринг, лекин тоза сувдан фойдаланиш керак.

4. Модернизациялашган ипак ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий ноқулай ишлаб чиқариш омиллари қуйидагилардир: ипак толасини ювиш, бўйаш, ипакни қайта ишлаш цехларида ҳароратнинг ва оптимал намликнинг меъёрдан баландлиги; йилнинг совуқ даврида совутувчи ва йилнинг илиқ даврида иситувчи микроклим; меҳнат жараёнларининг кескинлик хусусияти.

5. Иссиқ ҳавода кўп миқдорда тоза сув ичиш танадаги натрий миқдорининг пасайишига олиб келиши мумкин, бунинг олдини олиш учун озгина шўр ёки минерал сувдан фойдаланиш керак.

6. Тадқиқот натижалари бўйича меъёрий-услубий ҳужжатлар республиканинг ипак ишлаб чиқариш корхоналарида огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратининг сифатини юксалтиришга, ишчилар меҳнат шароитини яхшилашга, меҳнат жараёнларида толиқишнинг камайишига қаратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.09.2020.Tib.122.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ МЕДИЦИНСКОМ
ИНСТИТУТЕ ОБЩЕСТВЕННОГО ЗДОРОВЬЯ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

КАБИЛОВА ГУЛШАН АБДИРАШИДОВНА

**ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА УСЛОВИЙ ТРУДА И РАЗРАБОТКА
ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ РАБОТНИКОВ
ШЕЛКОМОТАЛЬНОГО ПРОИЗВОДСТВА В УСЛОВИЯХ
МОДЕРНИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА**

14.00.07 – Гигиена

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ФЕРГАНА– 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/Tib 880.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.fma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).


Научный руководитель	Адилов Уткир Халилович, доктор медицинских наук
Официальные оппоненты	Хаширбаева Динара Махкамбаевна, доктор медицинских наук Самигова Наргиз Раимовна, кандидат медицинских наук, доцент
Ведущая организация	Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников


Защита диссертации состоится «25» сентября 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета РbD.04/30.09.2020.Tib.122.01 при Ферганском медицинском институте общественного здоровья (Адрес: 712000, Фергана, ул. Янги Турон, 2. Тел./факс:)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского медицинского института общественного здоровья (зарегистрирована № 3) (Адрес: 712000, Фергана, ул. Янги Турон, 2, Тел./факс: (99869) 243-06-62).

Автореферат диссертации разослан «12» сентября 2022 года
(реестр протокола рассылки № 1 от «12» сентября 2022 года).




Ф.Н. Саломова
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней доктор медицинских наук, доцент


Ш.А. Норматова
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней доктор философии (PhD) по медицинским наукам


Н.Ж. Эрматов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Защита здоровья трудоспособного населения и снижение смертности на производственных предприятиях во всем мире относятся не только к решению социальных проблем, но и к категории стратегически важных вопросов. Анализ отечественной и зарубежной литературы показывает, что производственные предприятия являются объектами влияния техногенных факторов, различных аварий, высоких рисков и производственных опасностей, которые могут представлять угрозу для окружающей среды. «...По мнению ряда ученых, сегодня практически невозможно полностью избавиться от опасных ситуаций в трудовом процессе на производстве, потому что при переходе к новым формам правления особенности современной социальной ситуации изменили все мотивации работающего населения...»¹ В связи с этим в Узбекистане, имеющем развитую промышленность, актуально изучение продолжительности жизни, состояния здоровья и его защиты у работников различных производств.

В условиях модернизации производства в мире проводится ряд исследований, направленных на гигиеническую оценку условий труда и разработку профилактических мероприятий для шелкомотальных производств. Особое значение приобретают изучение условий труда шелкоткачей до и после модернизации производства, структуры заболеваемости, комплексная и гигиеническая оценка общего воздействия различных факторов на здоровье рабочих и допустимых сроков службы в шелкоткачестве, уровня и динамики заболеваемости рабочих, а также профессиональных рисков по условиям труда, разработка мероприятий по оптимизации, а также гигиенических рекомендаций по охране здоровья работников шелкомотальных производств.

В нашей стране развитие медицинской отрасли ставит ряд задач, направленных на адаптацию медицинской системы к мировым стандартам, защиту окружающей среды, обеспечение здоровья контингента, периодически занятого в различных условиях труда. Определены такие задачи как «повышение эффективности, качества и преемственности оказываемой медицинской помощи, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создание патронажной службы, пропаганда здорового образа жизни и профилактика заболеваний»². Эти задачи являются одним из актуальных научных направлений в разработке гигиенической оценки условий труда и профилактических мероприятий на шелкомотальных производствах в условиях их модернизации.

¹Бурлаков В.С. Некоторые теоретические экспериментальные исследования с целью повышения эффективности процесса расфасовки промышленной грены тутового шелкопряда // Сборник научных трудов. – Харьков, 2004. – Вып.12, ч.1. – С. 262-266.

²Указ Президента Республики Узбекистан №5590 от 7 декабря 2018г. «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренным в Указах Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП №5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», ПП №3472 от 12 января 2018 года «О мерах по дальнейшему развитию тутового шелкопряда», ПП №3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан по разделу VI «Медицина и фармакология».

